

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

747 Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 307-модда) билан тасдиқланган Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 июль,
01/19-10/13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июлдаги
01/19-10/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

30 (790)-сон

— 319 —

747-модда

Баҳоловчи малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Баҳоловчи малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси герби

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси**

БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

Фотосурат
ўрни

_____ - рақам

Тошкент ш.

20__ й. «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмакла-
шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан

(кимга — баҳоловчининг Ф.И.О.)

(паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда рўйхатга олинган баҳолаш ташкилоти
номидан мулкни баҳолашни амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

**Давлат рақобат қўмитаси раиси
(раис ўринбосари)**

_____ М.Ў.

Баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиш муддати:

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____ гача узайтирилган.

Имзо _____ М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

747-748-моддалар

— 320 —

30 (790)-сон

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____гача узайтирилган.

Имзо _____ М.Ў.».